

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Иқтисодий-сиёсий шаҳар газетаси




Газета 1996 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 156 (8. 098) 1992 йил 10 август, душанба Нархи 2 сўм.



1 сентябрь—Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни



Шарофиддин Шомансуров ишлаб чиқариш цехи Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида энг дастурий бўлини ҳисобланади. Чунки бу ерда қишлоқ хўжалик машиналари йиғилади.

СУРАТДА: Шарофиддин Шомансуров.

Андрей Пинненко сурати.

Маҳбуба Нуриддинова 12 йилдан бери «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади. У ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажариши билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: Маҳбуба Нуриддинова.

Рустам Шарипов сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Маслаҳат кенгашининг мажлиси

1992 йил 8 август куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда тузилган янги Маслаҳат кенгашининг

биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси турмушига онд бир қанча муҳим масалалар муҳокама этилди. [Маслаҳат кенгашининг ана шу мажлиси ҳақидаги ҳисобот газетамизда эълон қилинади].



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети раиси вазифасида Бош вазир ўринбосари ўрқон В. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 7 август.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

○ Ҳозирги пайтда Ўзбекистон капитал қурилишида ярим миллион нафардан зиёд киши ишлемоқда. Уларнинг 380 мингини ишчилар ташкил этади. Қарийб 70 минг муҳандис ва техник хизмат қилмоқда. 54 минг лойиҳачи, меъмор ва бошқа касб эгалари ҳам шу соҳани тараққий эттиришга бел болаганлар. Тошкент шаҳар жамоатчилик вакиллариининг Қурувчилар кунига бағишлаб 7 август кунини ўтказилган тантанали йиғилишида ана шу рақамларни тилга олиш билан бир қаторда қурилиш-тиклаш ишларининг таннархи анча ошиб кетганлиги сабабли бинокорлик ишларининг ҳамми кескин камайганлиги, республика ҳукумати аҳолини ўғайлаб олиш учун зарур чораларни қўраётганлиги ҳақида гап борди.

ҲАМДУСТЛИКДА

○ Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қабул қилган бёёнида Россия билан Украинанинг Қора Деңиз флоти бўйича битими МДҲ доирасида тузилган битимга тасдиқлар. Беларусьда ҳисоблашларича бундай масалалар давлат бошлиқларининг Кенгаши — Ҳамдустлик катташчилари томонидан қўриб қилиниши керак.

ХОРИЖДА

○ Жанубий Африка Республикасида қора танили аҳолининг икки қисми умумий иш ташлаш ниҳодига етди. Бу иш ташлаш Африка миллий конгресси даъвати билан ўтказилди. «Ҳуқуқат ҳамон аҳолини назорат қилиб турибди ва ўз ўрнида мустақил турибди», деди конунчилик ва тартибот вазир Х. Крил.

БИРЛАШМА ДАРОМАДИДАН

ТОШКЕНТ ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг маъмурияти бирлашма қошидаги тибобет қисмига қўлдан келган ерданларини беришляпти. Ўзбекистон 1991 йилда тибобет қисмига комбинат даромадидан 1 миллион сўм маблағ ажратди. Бу пулга шифокорлар турли чет эл ускуналарини сотиб олади. Харид қилинган но-

дир ва ноёб ускуналарнинг самарадорлигини шундан ҳам билса бўладики, яқинда тибобий масканда ўрнатилган «Фазогир» ускунаси бир неча сонияда беморнинг иссинини, қон босимини ва юрак уришини аниқлаб беради.

Йилни келажакда комбинат ерданмида 265 ўринга мўлжалланган жарроҳлик шифохонаси қурилади. Бу бино фойдаланишга топширилган жарроҳлик бўлимининг эски биноси негизда турғуқона очилиши кўзда тутилмоқда.

Комид ТУРОПОВ.

* Ўзбекистон ва жаҳон ТАШҚИ БОЗОР ЧАККИ ЭМАС

РЕСПУБЛИКАМИЗ машинасозлик тармоғининг маҳсулоти нафақат ҳамдустлик мамлакатларида, балки хорижда ҳам эътибор қозongan. Япониянинг машинасозлик саноати корхоналари ривожланиётган «учинчи дунё» мамлакатлари бозорига гарб техникаси билан раёбатлашиш билан чиқариш бирлашмаси бу борада яхши амалларга эга. Хўш, бугунги иқтисодий таълиқ даражада бирлашма-нинг ташқи иқтисодий алоқалари қай аҳволда? Шу савол билан муҳбиримиз бирлашма бош директорининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Д. Г. БЕРШТИНга мурожаат қилди.

— Утган йили, — деди Давид Григорьевич — Аргентинага 60 дона пахта териш машиналарини етказиб бердик. Бундан ташқари биз аргентиналик Япония корхонаси билан икки томонлама фойдали ҳамкорлигини йўлга қўйдик. Шу ҳамкорлигининг самараси ўлароқ бирлашма-миз етказиб берган 30 пахта териш машинаси иштирокчида «Агромеко» кўшма корхонаси тузилди. Мазкур кўшма корхона орқали Жанубий Америка бозорини заёт этиш ниҳодимизга, «Агромеко» машиналарининг сотиши, ижарага топшириши билан шуғулланади, бир сўз билан айтганда техникамизни бор кўри билан кўз-кўз қилади. Дарвоқе «Ташсель-маш»да ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари Аргентинада ўзини амалда оқлади. Утган йили пахта териш маъмумида Марадона-нинг ҳамюртлари 300—400 тоннадан пахта теришди.

— Лотин Америка бозорини «ишго қилиш» осон кечмайдими?

— Нимасини айтасиз. Қарера қараманг гиж-гиж Америка машиналари. Боз усти-

ана шу оддийлиги ҳайдовчидан юқори малакани талаб қилмайди. Аргентиналиклар айниқса ана шу жиҳатига катта эътибор беришди. Ва энг асосийси нарх масаласидаги осмон билан ерча фарқ. Буни таъкидламай бўлмайди. Американинг пахта териш машиналари Уртача 100—130 минг долларга тенг бўлган ҳолда, бизнинг машиналар 20 минг долларга сотилди, холос. Лекин америкаликлар машинанин ис-теъмолчига етказиб берганига бўладиган йўл ҳаражатларини ўз ҳисобларидан тўласалар, бизнинг нисолмизда бу борадаги чиқимлар тўлалигича харидор чўнтагидан бўлади.

— Бу йил яна қайси ташқи бозорга кўз тиккасанлар?

— Жорий йилда бирлашма-миз пахта териш машиналарининг ишчи аппаратларини Австралияга етказиб беришни мўлжаллаб турибди. Ҳозир бу борада музокаралар юритилмоқда.

Хуллас, касода учраган ички бозордан фарқли ўлароқ, ташқи бозордаги ишларини чакки эмас.

Ҳа, дарвоқе ҳозирги кунда бирлашма мустақилликка эришган республика корхоналаридан биринчи бўлиб акциядор корхона мақомига ўтиш таратди. Таёр-гарлик ишларини олиб борлини. Ўзини меҳнат шаклининг самарасини тез кунларда кўради деган ниҳодимиз. Тольб НУРМУҲАМЕДОВ эътиб олди.

* Газетанингу шу сонига УЧАВЕР, «ИЛЮШИН!»

«ОҚШОМ» газетаси илгари хабар қилиб ўтганидек, Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида умумий қанча янги турдаги пассажир самолёти — ИЛ—114 самолёти ўзлаштирилди.

Утган шанба куни В. П.

Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг учин-синиш станциясида ана шу янги самолёт биринчи марта ҳавога кўтарилди. Бу ҳақдаги репортажини газетамизнинг келгуси сониде ўқийсиз.

МИНОРАДАГИ ТАНИШТИРУВ

УТГАН шанба куни «Мустақил Ўзбекистон ва ҳозирги замон телекоммуникациялари» ширини остида телекоммуникациялар тизимини лойиҳаларини таништириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳамда хорижий фирмалар ташкил этган ва Тошкент телеминосиде ўқотирилган бу таништириш маросимида Япония, Финляндия, АҚШ, Покистон ва бир қатор бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам иштирок этдилар.

«Бегим» ташаббуси билан

НУФУЗЛИ «Бегим» фирмаси мўйқалам усталари ижодиятини жойларда кенг тарғиб қилиш билан яқинда шуғулланмоқда. Умидли мусавир О. Қоқовлар яратган бир қатор полотноларни оммалаштиришга ҳам фирма бош қўнди.

Гап шундаки, мусавирнинг кўнгина асарлари ўзининг жоизбаси, ерқин бадиий услуби билан томошаниларга манзур бўлмоқда. Унинг «Наврўз», «Шоҳ ва

гадо», «Тош олдиндаги учрашув» каби картиналари турли кўрғамаларга қўйилди. Ана шу ижод намуналаридан бир нечтаси хорижда ҳам кўрсатилди. Иеронил, Мароқаш каби чет мамлакатларга юборилган полотнолар жойларда катта қизиқиш уюғотди.

«Бегим» фирмаси ташаббуси кўрсатиб, мўйқалам соҳибининг бир неча асарини яқинда Америкага юборди. Акбар АЛИЕВ.

ТОШКЕНТДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

Кеча маҳаллий вақт билан соат 17.02 минут ўтганда Тошкентда икки бал билан ер силқиниши рўй берди. Ер қимирлашининг асосий маркази қўшни Тожикистондадир.



Шаҳримиздаги барча олий ўқув юрти-ларида кирши имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда. Сиз суратда Тошкент Давлат университети-нда бўлиб ўтаётган имтиҳондан лавҳа кўриб турибсиз. [УЗА] сурати.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

СЕРҚУВШ днёримиз ўзининг геологик бойлиқлари билан ҳам машҳур. Ер ости хазинасини атрафлича ўрганиш ва тадқиқот этишда умидли ёшлар фаол қатнашмоқдалар. Буни Тошкент давлат университети геология куллиети билан «Тошкентгеология» бирлашмаси ўртасида йўлга қўйилган ички ҳамкорлик алоқалари нисолмида ҳам кўриш мумкин.

кафедраси навабдаги илмий-амалий сафар режаларини тузишда фаоллик кўрсатди.

Ушбу экспедиция дастурига кўра нафақатдан бир неча вакил иштирок этади. Илмий тадқиқотлар олиб бориш, қўлга киритилган илмий қузаитилар натижаларини ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришга тадқиқ қилиш ҳам кўзда тутилди.

Талабалар айни бунда палеонтологик ихтисосликни амалиётда қўллаш кўникмасига эга бўладилар. Воҳид ВАЛИЕВ.



Шаҳримиздаги барча олий ўқув юрти-ларида кирши имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда. Сиз суратда Тошкент Давлат университети-нда бўлиб ўтаётган имтиҳондан лавҳа кўриб турибсиз. [УЗА] сурати.

ХАДИСЛАРДАН бирда сахийлик ҳақида бундай дейилади: «Сахийлик-бисоли жанинатнинг даракларидан бирдир. Унинг шохлари дунёга осилиб турибди. Кимки шохларидан бирга осилиб олса, у жаннатга олиб боради».

Халимизда қўли очин, эзу қалби кишиларни «Бирингизга минг қўнглисин, олингизу, олдирманг», — деган дуолар билан сийлашади. Дарҳақиқат, сахийлик шундай бир олижанобликки, унинг эгаси ҳеч қачон нам бўлмайди. Бундай инсон ҳам маънавий, ҳам моддий бой бўлади.

Эндигина эс-хушини таниган гўдакка ҳеч эътибор берганмисиз. Агар ёлгондакам «еб турган нонингдан озгина бер», десангиз ҳеч иккиланмай 8 ҳаммасини ёки бир қисмини бериб юборди. Ана, ёш гўдакдаги саховат. Инсон улғайиб ким бўлишидан қатъи назар унда саховат заррачалари мурғаклигидан бошлади. Инсондаги саховат ва ҳиммат барча фазилатларнинг энг улуғи деб қадимдан эъзозланиб келинади. Бу олижаноблик ислом адабиётларида ҳам, улуг Навоий бобомиз асарларида ҳам тилга олинади. «Лисонут тайр»да шундай бир ҳикоят бор. «Йиғмаёт кунин ҳар ким ўз қабридан бош кўтариб чиқар экан. Зоҳид ҳам, фосиқ ҳам, гадо ҳам, бой ҳам маҳшар томон йўл олир экан.

Бунда олий мақомли муршид бўлган Шом Шайх маст Зинта Пил (йирик форе-

тожик мутасаввуф шоири Зинда Пил Аҳмади Жом (1141 йил вафот этган) каби қадим ташлаб, дўзахда ётган кишиларга ёрат қўли билан бир-бир назар солибди. Қараса, одамлар турли қийноқ ва азобларга дучор этилган экан, бундан унинг ҳиммат денгизига изтироб тушибди. У тангрига, кишиларни бу хил машаққатдан халос қил-

тавонлар ўрини майли, мен эгаляй!

Юсак ҳиммат эгаси бўлган олижаноб ринд шафбат кунда ҳалққа шундай хитоб қилар экан. Кимки бундай ҳиммат эгаси бўлса, унга бунинг эвазига шунга лойиқ муноқот ҳада этилади. Ҳиммат ҳумойи ўз қанотларини ёйғач, ундан юз танманг минг халқ наҳот топади».

Яқинда янги уйга кўчиб ўтган бир таншининг бошига ўлим тушибди, Кўп қаватли уйлардаги янги қўнглиларни иймони бутунлиги, эътиқоди ўзи билан эканлигини кўриб, шундай одамлар бор бўлсин, деб юборганимиз ўзим билмай қолдим. Серҳиммат бу кишилар қисқа муддатда барча тўй-ҳашам, маъракаларга ке-

жойда бирдек бўлса дейсан киши. Албатта, бундай одамгарчилик ҳиммат, саховат бор жойда бўлади. Инсоннинг бошига иш тушгандагина одамларнинг саховати намоён бўлади. Бундай инсонлар юқоридagi ҳикоятда ҳам мадҳ этилади.

Юртимиз оқиб бўлиб бормоқда. Қаровисз жойлар гузарларга айланмоқда. Ана шундай тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ҳаётда серсаховат кишилар туфайлигина товулгимиз, ўзбекилимиз, одамгарчилигимиз янада ёрқинроқ жойланади. Шундангина қўн-қўнглилар, қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар меҳр-муруватли бўладилар. Жанжал, фисқу-фасод, ғийбат, кўрломаслик каби ёт тушунчалардан узоқроқ бўламиз.

Сўзини ҳазратнинг «Ҳайратул-аброр» асаридagi шундай ҳикоят билан тугатмоқчи эдим. «Кимки Қорун хазинасига эга бўлиб, Жамийд мамлакатни, Фаридун (қадим Эрон минфиқ подшоҳи) тоғи уники бўлиб, хайр учун бутун бир ҳазинасининг эшигини очмаса, фойдасиз дуру-ғавҳарлар сочмаса, ўринсиз қарам кўрсатмаса, битта хайрга юз минглаб дирҳам бермаса, очта овнат берса, яланғочга тўн, юз сўм сураганга ўн сўм берса, янча бойлиги бўлса, шунга қаноат қилса, тангри олдида ҳам, халқ олдида ҳам унинг айблари доим нечирилади».



Бозор иқтисодиёти ҳаммага ҳар хил таъсир кўрсатмоқда. Аммо халқда «Излаган имкон топар» деган нақл ҳам бор. Бу нақлга амал қилаётган Шайхонтоҳур районидagi 229-болалар боғчасида ҳаёт тарзи умуман бўлмади. Кўриб, фақат кўзларингиз қувнайди. Меҳрибон ва жонқуяр тарбиячиларнинг кўмагида боғчада тарбияланётган болаларнинг аксарият қисми ҳар хил ўйинлар билан мунтазам шугулланишди.



Суратларда: Болалар тош кўтаришни машқ қилмоқдалар; Ҳа, юқорига чиқа олганларгина муваффақият қозонадилар. Равиль Альбеков суратлари.

УЗБЕКИСТОН ўз мустақиллигини қўлга киритгач, барча соҳалар каби халқ таълимини юксалтириш, бу муҳим бўғинни етук мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Республикаси Президентини томонидан эълон қилинган қатор Фармонлар фикримизга ёрқин далил бўла олади. Эндилкида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Республикамизда халқ таълим тарихи музейини яратиш ишлари бошлаб юборилди.

Шу муносабат билан газетда халқ таълим раҳбарлари, олимлар ва таърибчи муаллимлар барча аҳолига қадимдан то бугунги мустақилликка эришган кунгача бўлган таълим-тарбия тарихига оид ҳужжатлар, фотосуратлар, гувоҳномалар, тошбосма ва қўлёзма китоблар, турли даврларнинг газет ва журналлари, машҳур маврифатчиларнинг шахсий буюмлари, хотиралар ва бошқа зарур нарсаларни музейга тақдим этиш ҳақида мурожаат қилинган эди. Музей ўз ишчи бошлаб юборди. Аммо кўрағамлардан ҳали дарак йўқ. Шунга қарамай музей ҳодимлари пойтахтимиздаги дастлаб ташкил этилган мактабларда бўлиб, кеска ўқувчилар билан суҳбатлашди. Узоқ йиллар собиқ совет мактабларида ишлаб, бирорта қўлёзма, дарслик ёки ўқувчи фахлари бўлган метоник мақолалар ёзган бўсалар, улар илтимос қилиб сураб олинган. Ахир республикамиз оғир даврни (20—40-йиллар) бошидан кечирган автларда ҳам халқ фарзандларини саводли қилиш учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қилган меҳнат қадрамони Оқилхон Шарафит-

динов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар Альзамхон Рустамов, Раҳимжон Усмонов, Аброр Умаров, Қомил Ҳужаев, Мажвуда Самадова, Ойсулув Келдиева каби фахрий кишиларимизнинг иш таърибларини тўп-лаш пайти келди. Шу билан бирга айни пайтда билим даргоҳларида таълим-тарбияни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган қўллаб-устоз муаллимларнинг ҳам ус-лубий материаллардан фойдаланиш ўринлидир.

Яқинда музей ходимлари келгуси йилда 80 йиллиги нишонланадиган Меҳнат Қизил Байроқ ордени 24-урта мактаб (собиқ «6-Чигатоё» номли)нинг ташкилотчиларидан бири, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, марҳум Иброҳим Тоҳировнинг хонадонига бўлишди. У кишидан ёдгор бўлиб қолган бог ҳовлида икки фарзанди яшар экан. Эркинхон билан Туйғунжонлар меҳмонлари жуда самимий кутиб олишди. Улар оталарни саранжомлик

ишга тез киришиб кетди. Маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, жой ва муаллимлар излаб бошладилар. Тез орада «Сурбат» маҳалласидаги бир ҳовли мактаб биносига айлантирилди. У «6-Чигатоё» номи билан атала бошлади. Янги мактаб очилган бўлсада «Сурбат» маҳалласидаги Зокирхон домла ўз ҳовлисида 20 дан ортиқ болани, «Нўшут» маҳалласидаги Хосийт отин эса 10 дан ортиқ қизларни ўқитарди.

1922 йилнинг май ойида Иттифоқ кашшофлар ташкилоти вужудга келди. Иброҳим Тоҳиров биринчилардан бўлиб 50 ўқувчини кашшофлар сафига қабул қилиш маросимини ўтказди. Ишбилармон раҳбар ўша даврнинг фотосуратларини олдириб қўйган экан. Суратта тушганлар орасида таниқли кинорежиссёр, Меҳнат Қаҳрамони Маллик Қаюмов, Меҳнат Қаҳрамони Фаттоҳ Восиков, 80 ёшдан ошган Улуг Ватан уруши ва меҳнат фахрийси Жўра Шермухамедовларини топиб, улар билан суҳбатлашни шарафига муваффақ бўлишди.

Шу биргина мисолдан кўришиб турибдики, меҳнаткашларнинг фарзандларини саводдон қилишда жонини фидо қилган муаллимларимиз қўллаб топилади. Улар ҳақида сизда зарур маълумотлар бўлса «Узбекистон халқ таълими тарихи музейи»га (Тошкент, Узбекистон кўчаси, 80) маълум қилишнингизни сураймиз, азна муштайрилар.

Ҳамидулла НУШДОШЕВ,
Саъдулла ШОДИЕВ.

ДИҚҚАТ-ТАНЛОВ!

Узбекистон Журналистлар уюшмаси Узбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига бағишлаб, энг яхши материаллар танловини эълон қилади.

Танлов голубларнинг раغبатлантириш учун учта муқофот белгиланади:

— битта биринчи муқофот — 5000 сўм;
— битта иккинчи муқофот — 3000 сўм;
— битта учинчи муқофот — 2000 сўм;

Танловга Республика Мустақиллиги кунини 1 сентябрга бағишлаб матбуотда ёритилган ёки телевидение ва радиода эшқтирилган, бошланғич журналистлар ташкилоти билан келишилган, Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳар, аэиоллар журналистлар ташкилотлари, Деялат теле-

радиокомпанияси бошқаруви томонидан тавсия этилган материаллар тақдим этилади.

Ҳамма материаллар шу йил 30 декабр-га Узбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувиغا топширилади.

Танловга 1993 йил 1 январда яқун еса-лади.

Қидирбой ТУЛАБОВЕВ тайёрлаган.

Мухаррир ўринбосари Солиҳ ЕҚУБОВ.

МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яшанбадан таъшир ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

Хар тўғрида

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

БИШКЕК дўконларидан сўнгги пайтларда киноленталар йўқолмоқда. Маълум бўлишича, уларни маҳаллий савдогарлар олиб, тирноқни бўяйдиган лак ясашаркан. Қайнашган пленкага бўёқ ўрнида қизил лавлагининг, аноринг ҳамда саёзи шартларидан фойдаланиш арак а н. Шундай йўл билан тайёрланган лак, ҳатто чет эл лакидан ҳам сифатли бўлган.

ҚИЗМИ, ЭҒИЛМИ?

ХИТОЙДА бир аёл кўзи ёригандан сўнг, норасидасининг қиз эканини билиб, ўз-ўзини ўлдирган. Сабаби у бундан олдин тўрт қиз туққан экан. Ачиндилик шунданки, аёл ўзини фарзандлар сонини қатъий ҳисобга оладиган ҳукуматдан ўзининг хонилдор эканини фарзанд кўрган кунгача махфий сақлаб келган.

ИККАЛА ЖИНСГА ТЕГИШЛИ

СПИД бўйича халқаро марказнинг директор Жонатан Манн сўнгги вақтларда бу касалликнинг белгилари бурунлари сезилмаган видеоларда пайдо бўла бошлаганини маълум қилди. Унинг айтишича, сўнгги ўн йил ичида СПИД вирусини организмда сақлаб юрганлар сонини 100 мингдан 18 миллионгача кўтарилган. Касалларнинг 400 минги ўта хавфли турдаги вирусларнинг таъсиридан азоб чекмоқда. «XX асрнинг вабоси» айтишса Африка, Хиндистон ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг овул ва кишлоқларида тез тарқалмоқда. Шифофор Манн яқин ўн йил ичида бундан ҳам қийинроқ бўлди, деб қарай қилмоқда.

НИГИТ НИГИСИ

МАГНИТОГОРСҚИДАГИ бир заводнинг оқхонасига кириб, бир стақан қаймоқ, икки дона котлет, битта кофе ва қўймоқларини олиб кассага келган вьетнамлик ишчи йилда юборди. Сабаби, қорин оч вьетнамлик ишчининг кинесасидаги ақча кассир талаб этган 44 сўмга етмайди. Унга маҳаллий ишчилар ерданга келиб бир сўмдан пул йиғишиб, вьетнамлик йигитни оғир аҳволдан — «Подшо таомидан» қутқаришди.

Қидирбой ТУЛАБОВЕВ тайёрлаган.

Мухаррир ўринбосари Солиҳ ЕҚУБОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ

ПОЛИГРАФИЯ КОМБИНАТИ

«Ромаер» типдаги дастгоҳларда қўлланиладиган алюмин зар қоғоз пластиналарини

ҚАТАДАН ТИКЛАБ БЕРАДИ;

Сиздаги ана шундай алюмин зар қоғозининг ортиқчасини исталган миқдорда

СОТИВ ОЛИШИ МУМКИН.

Алюмин зар қоғозини тиклаш учун топширган буюртмачилар унинг қайта ишланишини кутиб ўтиришлари шарт эмас. Бизда мавжуд бўлган айирбошлаш фонди ҳисобидан ўз маҳсулотингизни шу кунгич олиб кетишингиз мумкин.

Нархларимиз нисбатан арзон.

Маҳсулотимиз чидамлиликда янги-си-дан қолшимаслигимиз

КАФОЛАТ БЕРАМИЗ

Буюртма бериш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

ТЕЛЕФОН: 44-38-55.

Ижарадаги Тошкент полиграфія комбинати.

Бахтиёр КАРИМОВ.

ИШБИЛАРМОНЛАР ДОНРАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Москва шаҳридаги «СЛИК» акционерлик жамияти биргаликда савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш фаолияти олиб бориш учун ишончли шериклар изламоқда.

«СЛИК»

АЖ кичик миқдорда дераза ромлари, эшик блоклари, плитуслар ва ёғоч рамкалари.

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ

Яқинда номи танилган фирмаларда ишлаб чиқарилган ташкилий техникаларини Москва омборхоналаридан Тошкентга етказиб берилиш билан сотади.

«ПАНАСОНИК» ТЕЛЕФАКСЛАРИ.

АВТОЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР.

КАЛЬКУЛЯТОРЛАР.

ЕЗУВ МАШИНАЛАРИ

ва Япония маҳсулотларининг бошқа кўп турларини.

Узаро фойдали шартларда мрамар ва рангли металллар

СОТИВ ОЛАДИ.

Эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланади.

Фирма вакилининг Тошкент ш. телефони: 33-10-67.

«ГУНЧА»

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ДУКОНЛАРИ

ЕЗГИ МАВСУМ УЧУН

ҚУЛАН, ЕНГИЛ, ЗАМОНАВИЙ ПОЯВАЗЛАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ассортиментда: эркаклар, аёллар ва болалар учун туфлилар, сандалетлар, боспоноқчалар.

Появазалларнинг жуда кўп тури мавжуд ва ҳар ким ўзига керак бўлганини танлаб олиши мумкин.

ДУКОНЛАР МАНЗИЛИНИ ЭСЛАТАМИЗ:

15-сон — Навоий кўчаси, савдо растанлари;
14-сон — Октябрь бозори;
16-сон — Октябрь бозори;
38-сон — Қорақамийш 1/3, савдо мажмуаси;

12-сон — Қаблуков кўчаси;
34-сон — Навоий кўчаси, Марказ — 4, 11-уй;
28-сон — Ш. Руставели кўчаси, 143-уй.

«Гунча» акционерлик жамияти.
«Союзреклама» акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

КАСБНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

БУНИ ҲАММА БИЛАДИ, ВИРОҚ КИМ БЎЛИШ КЕРАК?

БИР ЗУМДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Ташкилот пул ўтказиш йўли билан, бозор нархларидан арзон бўлган, катталиги 50x100 см.лик 4 қаватли қоғоз қопларини

СОТАДИ

Тошкентдаги омборхоналардан етказиб берилади.

Ундан ташқари барча ҳоқловчиларга ҳар турдаги эшик ва деразалар блоклари, араланган бинокорлик ёғочлари, полиэтилен пленкаларини

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Мулоқот телефони: 41-83-06.

Факс: 41-70-33.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райиқроқшуми қошидаги «Гвоздика» кооперативини

ТУГАТИЛДИ

Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги маанида қабул қилинади: Тошкент шаҳри, II-Чимбой кўчаси, 53 «А»-уй.

Барча ўқувчилар ўзлари қизиқадиган тўғарақлар ва спорт шўбаларининг машғулотларига қатнашишлари мумкин.

Қудай, 3-хунар-техника билим юрти Сизга маъруз бўлади.

Унда қуйидаги ҳужжатларингизни олиб, дарҳол бизнинг ўқув масканимизга келинг: ариза, маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3x4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

МАНЗИЛИМИЗ: 700050, Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54-уй. (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати; 21, 49-автобусларининг «3-хунар-техника билим юрти» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

«Чинобод» санаторийси жамоаси санаторий врач

Сайфиддин ТУРАХУБАЕВИНИНГ

вафот этганлигини чуқур кайгу билан билдириб, марҳумнинг онасига таъзия издор қилади.